

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ШАРАПОВА МАШҲУРА АЗАДОВНА

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy(PhD) in
economic sciences**

Шарапова Машхура Азадовна

Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини
такомиллаштириш йўллари..... 3

Шарапова Машхура Азадовна

Пути совершенствования практики финансирования системы
народного образования..... 27

Sharapova Mashkhura Azadovna

Ways to improve the practice of financing the public education system..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ШАРАПОВА МАШҲУРА АЗАДОВНА

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1326 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Тошматов Шухрат Амонович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хусанов Баҳодир Шералиевич, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» ноябр кuni соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс:(99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz)

Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (85 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс:(99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «12» ноябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «12» ноябр даги 13 рақамли реестр баённомаси).


Д.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор
Д.Х. Суёнов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
иқтисодиёт фанлари семинар раиси
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Д.Х. Пўлатов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
иқтисодиёт фанлари семинар раиси
ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқ таълими тизимини молиялаштиришга йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланишни такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. 2017 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) аъзо мамлакатларда «бошланғич ва ўрта таълим мактабларида таълим олаётган бир ўқувчига Мексикада 3000 АҚШ долларидан, Люксембургда 21900 долларгача харажат қилинган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич ИХРТ аъзо мамлакатларининг ўртача кўрсаткичи (10300 доллар)дан 37 фоизга кўп бўлиб, 14100 долларни ташкил этган»¹. Дунё мамлакатларида халқ таълимига ажратилаётган маблағлар миқдорининг турли даражада эканлиги, ушбу мамлакатларнинг ривожланиш даражаси ва иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини белгилаб беради.

Жаҳонда узлуксиз таълим тизимини молиялаштириш йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларда малакали кадрлар тайёрлашга эришишда таълим тизимини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаш, умумтаълим мактаблари моддий-техника таъминотини яхшилаш давлат бюджети маблағлари билан биргаликда хусусий сектор ва уй хўжалиги маблағларини сафарбар этиш, халқ таълими тизимида сарфланаётган маблағлар натижадорлигига эришиш, халқ таълими муассасаларини молиялаштириш, бюджет тизими бюджетини белгилаш йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш мақсадида «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, ... таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, ... умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш»² вазибалари белгиланган. Мазкур вазибаларнинг ижобий ҳал этилишида халқ таълими тизимини молиялаштиришга сарфланаётган маблағлар шаффофлиги ва манзиллилигига эришиш ҳамда таълим олувчилар сони ва мактаб сифими мувофиқлигини таъминлаш ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сонли «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-

¹<https://nces.ed.gov/programs/coe/indicator/cmd>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сонли «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4537-сонли «Замонавий мактаблар»ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда халқ таълими тизимини молиялаштиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ таълими тизимини молиялаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Вольфганг, В.Спендер, А.Палюх, В.Чеха, С.Беляков, Б.Батова, Л.Асланова, М.Аликаева, А.Губачиков, И.Федорова, П.Вчерашний, С.Гриб, И.Ферова, А.Сидорова ва М.Айрапетянларнинг илмий асарларида учрайди³.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар А.Ваҳобов, Т.Маликов, Н.Хайдаров, Д.Набиев, Д.Рахмонов, З.Срожиддинова, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Б.Ҳусанов, Э.Одилов, Д.Мирходжаларнинг илмий тадқиқотларида халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиёти бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁴.

³Вольфганг Р. Финансирование образования: международные модели, пути, опыт и мышление// Университетское управление: практика и анализ. 2000. -№4(15). С. 4-9.; Спендер В.А., Палюх А.И. Анализ международного опыта использования механизмов планирования и финансирования расходов на образование и возможность его использования в сфере военного образования России // Вестник Евразийской науки, 2018, №5, Том 10. –10 с.; Чеха В.В. Финансирование образования: система правового регулирования// Вопросы российского и международного права. 2017. Том 7. № 7А. – С.274-283; Беляков С.А. Финансирование системы образования в России. – М.: МаксПресс, 2006. – 304 с.; Батова Б.З., Асланова Л.О., Аликаева М.В., Губачиков А.М. Проблемы финансирования образования в России//Фундаментальные исследования, 2016. № 5-3. – С.546-550; Федорова И.Ю. Совершенствование системы финансирования государственных образовательных услуг: автореферат ... д.э.н. –Москва: Российская академия предпринимательства, 2014. – 32 с.; Вчерашний П.М., Греб С.Н., Ферова И.С. Проблемы формирования и развития механизма управления повышением эффективности системы общего образования Красноярского края: Монография. – Красноярск: ИПК СФУ, 2010. – 168 с.; Сидорова А.А. Стратегия управления системой образования как элемент государственной политики: автореферат ... к.э.н. – Москва. МГУ им. Ломоносова, 2012. – С.28; Айрапетян М.С. Зарубежный опыт использования государственно-частного партнерства // Государственно-частное партнерство в России. <http://www.ppp-russia.ru/analitica/item-1.html>;

⁴Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: Дарслик Т.: Ношир, 2011. 316 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси: Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2009. 556 б.; Набиев Д. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т., 2005. 164 б.; Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун диссертация. Т., 2018. 239 б.; Нурмухамедова Б., Срожиддинова З., Сугирбаев Б., Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш: Ўқув қўлланма. –Т.: Info Capital Group, 2013. 450 б.; Дўстмуҳаммад Ҳ.У. Халқ таълимининг самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т., 2012. 156 б.; Хусанов Б.Ш. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий изланишларга қарамасдан, халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ қилинган илмий-амалий муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ таълими тизимини молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлигини асослаб бериш;

халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига баҳо бериш;

халқ таълими тизими харажатларини режалаштиришнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш;

халқ таълими тизимини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётини таҳлил қилиш;

халқ таълими тизимида бюджетдан ташқари маблағлар шаклланиши ва ишлатилиши ҳолатини таҳлил қилиш;

хорижий мамлакатларда таълим тизимини, жумладан, умумтаълим мактабларини молиялаштириш тажрибаларини ўрганиш ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш;

халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларини давлат бюджетидан молиялаштириш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактабларини давлат бюджетидан молиялаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, синтез, таққослаш ва эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларини қуриш,

давлатнинг ижтимоий хизматларини молиявий таъминотини янада кучайтириш муаммолари // Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. –Т: 2021. №2 (12) апрель-июнь. 142-151 б.; Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Т., 2012. 136 б.; Мирходжа Д.А. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш: иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.2021., 61 б.

реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларини шаҳар бюджетидан молиялаштириш зарурлиги исботланган;

ижтимоий харажатларни тегишли вазирликлар, хусусан умумтаълим мактаблари харажатларини Халқ таълими вазирлиги орқали ҳудудий тузилмаларни манзилли молиялаштириш механизми асосланган;

халқ таълими тизимидаги муассасалар молиявий мустақиллигини таъминлашда мақсадли жамғарма ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

халқ таълими тизими муассасаларини узлуксиз молиялаштиришни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этишнинг натижага йўналтирилган бюджет механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар харажатларини шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштиришга ўтилиши маҳаллий ҳокимликларни умумтаълим мактабларини моддий-техника базасини ривожлантиришдаги иштирокини кучайтиришга олиб келган. Халқ таълими соҳасига ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини оширишга хизмат қилган.

халқ таълими соҳасига ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлаш, харажатлардан ноқонуний фойдаланишни олдини олишни таъминлаш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий тузилмалар орқали поғонали молиялаштириш механизми асосланган.

халқ таълими вазирлиги таркибида мақсадли жамғарма ташкил қилиниши натижасида умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлашнинг қўшимча манбалари шаклланиб, Халқ таълими вазирлигининг жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланишидаги масъуллиги ошган.

давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат умумтаълим муассасаларини ташкил этилиши бюджет маблағларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш билан бир қаторда аҳоли учун сифатли таълим олишга имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муайян норматив ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Жаҳон банкининг маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимиз халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади, Шунингдек, «Молия», «Давлат молияси», «Давлат бюджети» каби иқтисодий фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан халқ таълими тизимини молиялаштиришни самарали ташкил этиш, ушбу тизимни ислоҳ этиш ва ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қонунчиликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларини шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштиришни жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2019 йил 25 декабрдаги 04/08-06-120-сон ҳамда Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06/04-02-01-32/3116-сон маълумотномалари). Натижада, Тошкент шаҳридаги умумтаълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмала Тошкент шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши жорий этилган. Тошкент шаҳрида жойлашган 69 та умумтаълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 204,5 млрд. сўм маблағ сарфланди;

ижтимоий харажатларни тегишли вазирликлар, хусусан, умумтаълим мактаблари харажатларини Халқ таълими вазирлиги орқали молиялаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг 2019 йил 25 декабрдаги 04/08-06-120-сон ҳамда Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06/04-02-01-32/3116-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида умумтаълим мактаблари харажатларини Халқ таълими вазирлиги орқали манзилли молиялаштиришга, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишга эришилади;

Халқ таълими вазирлиги таркибида мақсадли жамғарма ташкил этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06/04-02-01-32/3116-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Тошкент шаҳрида 12 та янги қурилган маҳаллалар учун мактаблар қуриш, 50

та мактабни реконструкция қилиш, 98 та мактабни мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадида 2020 йилда 400 млрд. сўм ажратилди;

Халқ таълими соҳасига давлат-хусусий шерикликни татбиқ этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06/04-02-01-32/3116-сон маълумотномаси). Натижада, бюджет маблағлари тежалади ва аҳоли сифатли таълим хизматларидан фойдаланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 6 та, хорижий журналларда 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот иши ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг назарий-услубий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида халқ таълими тизимини молиялаштиришнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги танқидий ҳолда тадқиқ қилинган; халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари тавсифланган ҳамда илмий изланиш натижасида тегишли хулосалар олинган.

Халқаро амалиётда болаларнинг мактаб билан қамраб олинганлик даражаси, ўқувчилар сони, таълим олишдаги тенг ҳуқуқлилик даражаси, таълим учун жон бошига сарфланадиган давлат харажатлари каби кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади.

Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган харажатларни қоплаш мақсадида уларни

молиявий таъминлашдир. Мазкур йўналишда қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд.

Иқтисодчи олим О.Старкованинг фикрича: «Бюджетдан молиялаштириш вазифаси маблағлардан самарали фойдаланишни талаб қиладиган минимал харажатлар бўйича максимал самарага эришишдир»⁵.

В.Чеха «Ҳар қандай соҳани бюджетдан молиялаштириш ушбу соҳанинг фаолият юритиши ва ривожланишини таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини тақсимлаш, олиш, фойдаланишни ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, таълимни молиялаштириш турли даражадаги бюджетлардан маблағ ажратиш, қабул қилиш, фойдаланиш жараёнидир»⁶, дея қайд этади.

Таълим олиш фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деб белгиланган⁷. Россия Конституциясида «таълимни молиялаштириш муносабатларини тартибга солишда ишлатиладиган молиявий ҳуқуқ манбалари турлари мустақамланган»⁸.

С.Беляков «Таълимни молиялаштириш таълим хизматларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ муносабат бўлиб, ушбу хизмат таълим олувчига унинг ўзи ёки оиласи томонидан эмас, балки ушбу хизматдан фойдаланмайдиган давлат томонидан кўрсатилади»⁹, деб эътироф этган.

С.Вишнякованинг фикрича, «Таълимни молиялаштириш таълим муассасаларини давлат, шаҳар ёки бошқа бюджет маблағлари билан таъминлашдан иборат бўлиб, бунда фуқароларнинг давлат стандартлари доирасида таълим олишлари учун давлат кафолатларининг асоси бўлиб хизмат қилади»¹⁰.

Д.Набиевнинг тадқиқотларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини молиялаштириш манбаларини такомиллаштириш, таълимга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган¹¹.

Ҳ.Дўстмуҳаммад халқ таълими тизими ҳолатини баҳоловчи ва харажатлари манзилли-мақсадлилигини таъминлашни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиққан, харажатлар истиқболини белгилаш ва амалга оширишни такомиллаштириш борасидаги имкониятлар ва уларга

⁵ Старкова О.Я. Финансы: учебное пособие. – Пермь: «Прокрость», 2017. – 207 с.

⁶ Чеха В.В. Финансирование образования: система правового регулирования// Вопросы российского и международного права. 2017. Том 7. № 7А. – С.274-283.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -40 б. IX боб,41-модда. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

⁸ Кутафин, О. Е. Муниципальное право Российской Федерации: учебник для студентов высших учебных заведений. (2011) Кутафин, 2011, 16.

⁹ Беляков С.А. Финансирование системы образования в России. М.: МаксПресс, 2006. 304 с. 114.

¹⁰ Вишнякова С. Профессиональное образование. Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. – М.: НМЦ СПО.1999.

¹¹ Набиев Д.Ҳ. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т., 2005 й.-Б.164.

тахдид этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаган¹².

Д.Раҳмоновнинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклиги амалиёти асосида ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган¹³.

Д.Мирходжа ўз тадқиқотларида мактаб таълимига бюджетдан ташқари маблағлар жалб этиш масалаларига эътибор қаратган, педагоглар маошига қўшимча устама ҳақини белгилаш механизми ва мактаб таълимида ваучерли молиялаштиришни жорий этишни илгари сурган¹⁴.

Халқ таълими тизимини молиялаштиришнинг асосий манбаи борасида қатор мунозарали жиҳатлар мавжуд бўлиб, ушбу йўналишдаги тадқиқотлардаги турлича ёндашувлар 1-жадвал асосида кўриб чиқилган.

1-жадвал Таълим тизимини молиялаштириш манбалари¹⁵

| С.А. Беляков ¹⁶ | Б.Нурмухамедова, З.Срожиддинова, Б.Сугирбаев ¹⁷ | Муаллиф ёндашуви |
|---|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> ➤ давлат бюджети; ➤ пуллик таълим хизматларидан олинадиган даромадлар; ➤ ўқув юртларининг илмий-техник фаолияти ва унинг натижаларини тижоратли амалга ошириш; ➤ таълим ва илмий-техник фаолият билан боғлиқ бўлмаган ўқув юртларининг тадбиркорлик фаолияти; ➤ таълим ва илмий-техник фаолият билан боғлиқ бўлмаган таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти. | <p><i>Молиялаштиришнинг давлат манбалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Давлат (республика ва маҳаллий) бюджети; ➤ Давлат мақсадли фондлари. <p><i>Молиялаштиришнинг нодавлат манбалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ Тўлов-шартнома асосида ўқишдан тушадиган маблағлар; ➤ Таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар; ➤ Хорижий кредити ва грантлар; ➤ Ота-оналарнинг бадаллари; ➤ Жамоатчилик ёрдами; ➤ Бошқа хусусий манбалар (тадбиркорлик, хайрия ташкилотлари ва манфаатдор шахсларнинг хомийлик маблағлари). | <p><i>Давлат маблағлари:</i></p> <p>Давлат бюджети, мақсадли жамғармалар, ХМТ сармоялари, молиявий ёрдамлари, кредитлари.</p> <p><i>Иш берувчи (корхона ва ташкилотлар)нинг маблағлари:</i></p> <p>тадбиркорлик фаолиятидан, хомийлик ва хайрия маблағлари.</p> <p><i>Аҳоли маблағлари:</i></p> <p>иш ҳақидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, ижтимоий трансфертлар.</p> |

Илмий изланиш натижасида олинган хулосаларга кўра, таълим тизимини молиялаштириш манбаларини «давлат маблағлари», «иш берувчи

¹² Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т., 2012. -Б.156.

¹³ Раҳмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун диссертация. -Т., 2018. Б.239.

¹⁴ Мирходжа Д.А. Ўзбекистонда мактаб таълимини молиялаштиришни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. -Т., 2021. Б.137.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

¹⁶ Беляков С.А. Финансирование системы образования в России. М.: МаксПресс, 2006. 304 с. 114.

¹⁷ Нурмухамедова Б., Срожиддинова З., Сугирбаев Б., Ўзбекистон Республикасида таълим харажатларини режалаштириш. Ўқув қўлланма. Т.: «Info Capital Group», 2013. – 447. 450 б.

(корхона ва ташкилотлар)нинг маблағлари» ва «аҳоли маблағлари» деб гуруҳлаш ва ушбу мазмунда талқин қилиниши зарур. Халқ таълими тизими фаолияти сифатни ошириш ҳамда ушбу тизимни молиялаштириш йўналиши бўйича ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда, ушбу меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишидан асосий мақсад мамлакатда замон талабларига жавоб бера оладиган, халқаро меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган, техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, хорижий тилларни мукамал ўрганган, мустақил фикрга эга бўлган ёш мутахассис кадрлар тарбиялашдир.

Диссертациянинг «Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиёти» деб номланган иккинчи бобида халқ таълими тизими харажатларини режалаштириш ва давлат томонидан молиялаштириш амалиёти таҳлил қилинган; халқ таълими тизимини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётининг ўзига хос жиҳатлари тавсифланган ҳамда халқ таълими тизимида бюджетдан ташқари маблағлар шаклланиши ва ишлатилиши ҳолати таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар олинган.

Республикада халқ таълими тизимидаги муассасалар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Мазкур ҳолат қуйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

2-жадвал

ЯИМ ва давлат бюджети таълим харажатлари ҳажмининг ўзгариши¹⁸


| Кўрсаткичлар | йиллар | | | | | |
|--|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| ЯИМ, млрд.сўм | 210183 | 242496 | 302537 | 407510 | 511838 | 580203 |
| Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм | 36257 | 40911 | 49344 | 78978 | 117789 | 143921 |
| Таълим харажатлари, млрд.сўм | 12766 | 13832 | 15980 | 19568 | 28707 | 29960 |
| Таълим харажатларининг давлат бюджет харажатларидаги улуши, фоиз | 35,2 | 33,8 | 32,4 | 24,8 | 24,4 | 20,6 |
| Умумтаълим харажатлари, млрд.сўм | 6981 | 7609 | 8886,6 | 12553 | 19432 | 21860 |
| Умумтаълим харажатларини бюджет харажатларидаги улуши, фоиз | 19,2 | 18,6 | 18,0 | 15,9 | 16,5 | 15,2 |
| Умумтаълим харажатларининг жами таълим харажатларидаги улуши, фоиз | 54,7 | 55,0 | 55,6 | 64,1 | 67,7 | 72,9 |

Таълим харажатларининг жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши камайишига сабаб таълим тизимини молиялаштиришга бюджетдан ташқари манбалардан ҳам маблағ жалб қилинаётганлигидир. Умумтаълим харажатларини жами таълим харажатлари таркибидаги улуши ўсишини соҳага бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилиш даражаси пастлиги ҳамда соҳада ойлик маошлари босқичма-босқич оширилиши билан изоҳланади.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган давлат умумтаълим


¹⁸ Муаллиф ишланмаси.

муассасаларининг харажатлари тарикбида иш ҳақи харажатлари асосий ўринни эгаллайди (1-расм).



1-расм. Умумтаълим мактаблари харажатлари таркиби,¹⁹ фоизда

1-расмга кўра, таҳлил қилинаётган йилларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар жами харажатларнинг деярли $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этган. 2020 йилга келиб капитал харажатлар ва бошқа харажатлар улуши нисбатан ортган бўлса-да, иш ҳақи харажатлари устама, мукофот ва моддий рағбатлантириш харажатлари камайиши эвазига ўзгаришсиз қолмоқда. Капитал харажатлар жами харажатларнинг 6-10 фоизини ташкил этганлиги, умумтаълим муассасаларининг моддий-техника базаси ночор аҳволга солиб қўйилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, гуруҳлар бўйича харажатларни амалга оширишда молиявий маблағларнинг қатъий белгилаб қўйилиши молиявий мустақилликни чеклайди, таълим сифати пасайишига сабаб бўлади.



2-расм. Умумтаълим мактабларини молиялаштириш тартиби²⁰

¹⁹ Муаллиф ишланмаси.

²⁰ Муаллиф ишланмаси.

Муаллифнинг фикрича, умумтаълим харажатлари ижросини таҳлил қилиш асосида таълим учун харажатлар манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари харажатларини Халқ таълими вазирлиги орқали молиялаштиришни жорий этиш, яъни натижага йўналтирилган бюджет тамойилидан келиб чиқиб, молиялаштириш учун ажратилган маблағларни, шунингдек, харажат йўналишларини белгиланган маблағлар доирасида вазирлик ихтиёрига ўтказиш умумтаълим мактабларига ажратиладиган маблағларнинг сарфланишида очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Умумтаълим мактаблари таълим тизимининг муҳим бўғини бўлиб, базавий билим олиш асосини ташкил этади. Шу боис, умумий таълим сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар сонини мактаб қувватига нисбати коэффициенти 2015-2016 ўқув йилида 4 та ҳудудда 1 фоиздан юқори бўлган бўлса, 2016-2017 ўқув йилида яна 3 тага, 2017-2018 ўқув йилида яна 4 тага кўпайган бўлса, 2018-2019 ўқув йилида барча ҳудудларни қамраб олиб, республика бўйича ўртача 1,19 ни ва 2019-2020 ўқув йилида эса 1,22 ни ташкил этган (3-жадвал). Бу кўрсаткичлар мактаблар сони, унинг қуввати ошишига қарамасдан ўқувчиларни қамраб олиш даражаси пастлигича қолаётганлигидан далолат бериб, умумтаълим мактабларида ўқиш жараёни 2 та, Тошкент шаҳрида, ҳатто, 3 та сменада ташкил этилаётганлигини кўрсатмоқда.

3-жадвал

Ўқувчилар сонининг мактаб қувватига нисбати²¹

| т/р | Худудлар | Ўқув йиллари | | | | |
|-----|------------------------------|--------------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| | | 2015-2016 | 2016-2017 | 2017-2018 | 2018-2019 | 2019-2020 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 0,9 | 0,93 | 1,01 | 1,1 | 1,12 |
| 2 | Андижон вилояти | 1,04 | 1,1 | 1,21 | 1,31 | 1,34 |
| 3 | Бухоро вилояти | 0,86 | 0,88 | 0,96 | 1,05 | 1,07 |
| 4 | Жиззах вилояти | 0,97 | 0,99 | 1,06 | 1,16 | 1,19 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 1,01 | 1,03 | 1,13 | 1,23 | 1,26 |
| 6 | Навоий вилояти | 0,92 | 0,94 | 1,03 | 1,11 | 1,11 |
| 7 | Наманган вилояти | 0,98 | 1,01 | 1,08 | 1,2 | 1,26 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 1,08 | 1,1 | 1,16 | 1,24 | 1,28 |
| 9 | Сирдарё вилояти | 0,88 | 0,91 | 0,97 | 1,07 | 1,12 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 1 | 1,02 | 1,11 | 1,22 | 1,21 |
| 11 | Тошкент вилояти | 0,84 | 0,87 | 0,94 | 1,05 | 1,12 |
| 12 | Фарғона вилояти | 0,95 | 0,97 | 1,06 | 1,17 | 1,23 |
| 13 | Хоразм вилояти | 0,98 | 1,01 | 1,1 | 1,19 | 1,17 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 1,09 | 1,14 | 1,23 | 1,36 | 1,41 |
| | Вазирлик бўйича жами: | 0,97 | 1 | 1,09 | 1,19 | 1,22 |

²¹Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети имкониятини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳудудда халқ таълими муассасалари қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш харажатларини шаҳар бюджети ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилиши ижобий натижа беради, яъни, маҳаллий ҳокимликнинг таълим тизимини ривожлантиришда иштироки таъминланади. Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиёти такомиллашади. Халқ таълими соҳасига ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Умумтаълим мактаблари қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш билан боғлиқ капитал харажатларнинг бир қисми 2019 йилга қадар бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. Ушбу жамғарманинг тугатилиши муносабати билан барча харажатлар бюджет зиммасига ўтказилган. Қуйидаги 4-жадвал орқали Тошкент шаҳри бўйича мактабларнинг капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳолати таҳлил қилинган.

4-жадвал

Тошкент шаҳридаги мактабларни Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳолати²²

| Туманлар | 2004-2009 йилларда капитал таъмирланган мактаблар сони | 2010 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра фаолият юритаётган мактаблар сони | 2010-2017 йилларда янги қурилган, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирланган мактаблар | | | 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра фаолият юритаётган мактаблар сони |
|---------------|--|---|--|-------------------|-----------|---|
| | | | жами | Капитал таъмирлаш | | |
| | | | | жами | 2017 й. | |
| Бектемир | 4 | 5 | 4 | 2 | 0 | 5 |
| Миробод | 12 | 17 | 1 | 1 | 1 | 17 |
| Мирзо Улугбек | 29 | 35 | 2 | 2 | 2 | 33 |
| Олмазор | 26 | 35 | 3 | 2 | 2 | 35 |
| Сергели | 21 | 27 | 2 | 2 | 2 | 25 |
| Учтепа | 27 | 33 | 0 | 0 | 0 | 32 |
| Чилонзор | 29 | 32 | 2 | 2 | 2 | 32 |
| Шайхонтоҳур | 32 | 32 | 71 | 12 | 4 | 36 |
| Юнусобод | 29 | 38 | 2 | 2 | 2 | 39 |
| Яккасарой | 14 | 41 | 1 | 1 | 1 | 15 |
| Яшнобод | 25 | 16 | 11 | 9 | 2 | 32 |
| Жами | 248 | 311 | 99 | 35 | 18 | 301 |

Мазкур ҳолат мактабларнинг моддий ҳолати яхши эмаслигидан, мактаблар қуриш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш мақсадида

²² Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

бюджетдан ажратилаётган маблағлар етарли даражада эмаслигидан далолат беради. Бюджет маблағлари чегараланганлиги Халқ таълими вазирлиги таркибида мақсадли жамғарма ташкил этилишини тақозо этмоқда. Халқ таълими вазирлиги таркибида мақсадли жамғарма ташкил этилиши умумтаълим мактаблари қувватини оширишга ва хизмат қилади.

Илмий изланиш натижасида олинган хулосаларга кўра, халқ таълими тизимининг харажатлари давлат бюджетидан молиялаштирилиб, салмоқли улушга эга. Мактаблар қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ишларини молиялаштиришни фақат давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришнинг ўзи етарли натижа бермаяпти. Маҳаллий ҳокимликларнинг жойларда таълим сифатини ошириш, таълим муассасалари билан доимий ҳамкорликда бўлишларини таъминлаш мақсадида умумтаълим муассасалари қуриш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатларини улар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ. Умумтаълим мактабларини молиялаштириш ва уларда молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Диссертациянинг «Халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида халқ таълими тизимини молиялаштириш амалиётининг илғор хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш тадқиқ қилинган; халқ таълими тизимини молиялаштиришдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари борасида фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Жаҳон амалиётида таълим муассасаларини молиялаштиришда умумий кўринишда иккита манбадан фойдаланилади, яъни бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар. Қуйидаги 5-жадвалда хорижий мамлакатларда таълим тизимини молиялаштириш манбалари келтирилган.

5-жадвал

Хорижий мамлакатларда таълим тизимини молиялаштириш манбалари²³ (ЯИМга нисбатан фоизда, 2018 йил)

| Давлатлар | Таълимнинг барча босқичлари (ISCED 0-8) | | |
|---|---|-------------------|-----------------------------|
| | Барча молиялаштириш манбалари | Бюджет маблағлари | Бюджетдан ташқари маблағлар |
| АҚШ | 8,1 | 5,4 | 2,7 |
| Буюк Британия | 7,6 | 5,7 | 1,9 |
| Франция | 5,6 | 5,5 | 0,1 |
| Германия | 5,8 | 5,0 | 0,8 |
| Япония | 5,2 | 3,6 | 1,6 |
| Швейцария | 5,7 | 5,1 | 0,6 |
| Финляндия | 7,4 | 7,2 | 0,2 |
| Италия | 4,5 | 4,1 | 0,4 |
| Норвегия | 9,8 | 7,4 | 2,4 |
| Янги Зеландия | 6,2 | 6,4 | 1,0 |
| Россия Федерацияси | 5,0 | 3,9 | 1,1 |
| Ўртача кўрсаткич (барча мамлакатлар бўйича) | 7,1 | 4,6 | 1,6 |

²³The Eurasian Scientific Journal 2018, №5, Том 10 асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

5-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таълим тизимини бюджетдан молиялаштиришнинг улуши Финляндия ва Норвегияда юқори бўлиб, ЯИМга нисбатан 7 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. Янги Зеландия, Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япония давлатларида бу кўрсаткич 5 фоиздан ортиқни ташкил этган.

Юқорида қайд этилган илғор хорижий мамлакатларда таълим тизими бюджетини режалаштириш ва молиявий маблағларни тақсимлашнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилади:

- норматив кўрсаткичлар асосида молиялаштириш;
- норматив-жон бошига молиялаштириш;
- жон бошига ваучерли молиялаштириш²⁴.

Аксарият мамлакатларда таълим тизимини молиялаштиришда норматив-жон бошига молиялаштириш усулидан кенг фойдаланилади, бизнингча, ушбу усулдан Ўзбекистонда фойдаланишни давом эттириш мақсадга мувофиқ.



3-расм. Умумтаълим муассасаларини молиялаштириш усуллари афзаллик ва камчиликлари²⁵

²⁴Спландер В.А., Палюх А.И. Анализ международного опыта использования механизмов планирования и финансирования расходов на образование и возможность его использования в сфере военного образования России. Вестник Евразийской науки. The Eurasian Scientific Journal. 2018, №5, Том 10.

²⁵Муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, Ўзбекистонда шахнинг асосий ҳақ-ҳуқуқларидан бири таълим олишдан иборат. Бу масъулиятли вазифани ҳаётга татбиқ этиш мактаблардаги таълим жараёнини ислоҳ қилишни, жумладан, таълим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияни олиб киришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу соҳага хусусий инвестицияларни жалб этишга зарурат туғдирмоқда.

б-жадвал

2019-2020 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши режалаштирилган нодавлат умумтаълим муассасалари ва уларни молиялаштириш ҳолати²⁶


| ДХШ асосида нодавлат таълим муассасаси ташкил этиш жойи | Шартнома бўйича давлат иштироки | Давлат бюджетидан ажратилган сўмда, млн. сўмда | Инвестор томонидан амалга ошириладиган харажатлар, млн. сўмда | | | Ўқувчиларни қамраб олиниши, сонда | | 1 ойлик тўлов, млн. сўмда |
|---|--|--|---|-------------------------------------|--------------------------|-----------------------------------|-----------------------|---------------------------|
| | | | Жами харажатлар | шундан | | жами | ш. ж. имтиёзли асосда | |
| | | | | Капитал қўйилма ва бошқа харажатлар | Эксплуатация харажатлари | | | |
| Олтиариқ тумани | бўш турган бино ва ер майдони | 0 | 2400 | 2110 | 290 | 200 | 40 | 1,62 |
| Олтиариқ тумани | 1450 кв.м. бўш ер майдони | 0 | 4256 | 3713 | 543 | 315 | 63 | 0,871 |
| Фарғона тумани | бўш турган бино-иншоот ва ер майдони | 26,5 | 1028 | 989 | 39 | 192 | 38 | 0,871 |
| Фарғона тумани | 5 900 кв.м. ер майдони | 0 | 9368 | 8354 | 1014 | 390 | 78 | 1,25 |
| Денов тумани | бўш турган бино ва 10 484 кв.м. ер майдони | 0 | 2966 | 2923 | 43 | 320 | 64 | 1 |
| Чуст тумани | 5 200 кв.м. ер майдони | 0 | 4630 | 4231 | 399 | 200 | 40 | 0,871 |
| Иштихон тумани | бўш турган бино ва 14 949 кв.м. ер майдони | 0 | 2355 | 1891 | 464 | 120 | 24 | 1,5 |
| Жами | бўш турган бино- иншоот ва ер майдони | 26,5 | 27003 | 24211 | 2792 | 1737 | 347 | 1,195 |

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш халқ таълими тизимида қатор муаммоларни, умумтаълим мактабларини молиялаштириш учун

²⁶Муаллиф ишланмаси.

бюджетдан ажратилаётган маблағларни харажатларга нисбатан камлиги, умумтаълим мактаблар қуввати пастлиги, мактабларда ўқувчиларнинг 2 сменада таълим олаётганлиги, бино ва ер майдонларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги каби муаммоларни ҳал этишга олиб келади Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида нодавлат умумтаълим мактаблари ташкил этилиши ота-оналар учун тўловларда енгиллик беради, яъни харажатларнинг бир қисми давлат томонидан қопланади (6-жадвал).

Халқ таълими тизимида мавжуд молиявий муаммоларнинг олдини олиш ва профилактика ишларини таъминлаш мақсадида давлат молиявий назорати родини оширишни тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори²⁷ қабул қилинди. Ушбу қарорда умумий ўрта таълим муассасаларининг бухгалтерия хизматлари фаолияти тугатилиб, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлиги ва унинг буйсунувидаги бошқармаларда Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди. Қайд этилган назорат тизими жорий этилганлигига уч йил бўлишига қарамасдан, халқ таълими тизимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ханузгача кузатилмоқда.



4-расм. 2018-2019 йилларда халқ таълими тизимида аниқланган ноқонуний ўзлаштириш ва ортиқча тўловлар натижаси²⁸

Илмий изланишда таъкидланишича, халқ таълими тизимидаги муассасаларда маблағлардан ноўрин фойдаланиш ҳолатлари юқориликча қолмоқда, жумладан, 192,2 млрд. сўм молиявий хато ва камчиликларга йўл

²⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/3323258>

²⁸Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳисоботи асосида муаллиф ишланмаси.

кўйилганлиги аниқланган²⁹, шунингдек 27,1 млрд. сўм ёки жами хато ва камчиликлар суммасининг 14,1 фоизи ўрганиш жараёнида бартараф этилган.

Халқ таълими тизимида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақиға ажратилган маблағлар жами харажатларнинг 27,3 фоизини (52,5 млрд.сўм) ташкил этиб, асосланмаган ҳолда ишламаган шахсларға ҳам маош тўлаш, бажарилмаган ишлар учун ҳам ҳақ тўланганлиги ва малака категориялари ҳақида сохта сертификатлар бўйича, ортиқча устама ҳақ ва мукофот пуллари тўланганлик натижасида талон-тарож қилинган (4-расм).

Юқоридагилар билан бир қаторда халқ таълими тизимида мактаблар ҳолати, ўқувчилар қамраб олиниши билан боғлиқ бир қатор муаммолар ечимини топиш молиявий маблағлар билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан:

– чекка ҳудудлардаги бир қатор мактаблар тўлиқ реконструкция ва капитал таъмирга муҳтож. Уларнинг кўпчилиги 35-45 йиллар давомида капитал таъмирланмагани, жорий таъмир учун ҳам маблағлар чекланган миқдорда бир неча йил аввал ажратилган ёки чекка туманлардаги мактаблар филиаллари мақоми сабабли улар кўпинча капитал ва жорий таъмирлаш бўйича дастурлардан тушиб қолган;

– мактабларда жисмоний тарбия дарслари ўтиш ва ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари учун спорт заллари мавжуд эмас;

– мактаб ҳудудининг атрофи ўралмагани натижасида ўқувчи-ёшлар хавфсизлиги етарлича таъминланмаган;

– мактабда таълим олувчилар сони мактаб сиғимидан 50 фоизга ортиқ. Бунинг натижасида ўқув жараёни икки ёки уч сменада ташкил этилмоқда, бу, албатта, таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатади;

– мактаблар фаолиятини тегишли даражада йўлга қўйиш учун оддий маиший шароитлар мавжуд эмас.

Халқ таълими тизими муассасаларини харажатларини қоплаш учун давлат бюджетидан ажратилган харажатларнинг асосий қисми иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларға сарфланаётганлиги сабабли ўқув жиҳозлари ва материалларини янгилашға, мактаб биноларини таъмирлашға етарли маблағ йўналтирилмаяпти.

Мактабларнинг моддий-техник таъминоти соҳасидаги камчиликларға тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат³⁰:

– мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари керакли инвентарлар билан жиҳозланмаган, синф хоналарида ўқув мебель жиҳозлари, лаборатория ускуналари, компьютер техникаси етишмайди ёки ўз вақтида янгиланмайди;

– мактабларнинг 28 фоизда кўшимча жиҳозлашға эҳтиёж мавжуд, ишлатилаётган жиҳозларнинг 50 фоизи маънан ва жисмонан эскирган;

– 3 000 дан ортиқ умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун ошхона ва буфетлар ташкил этилмаган;

– электр, кўмир, совуқ ва иссиқ сув, газ таъминоти ва канализация

²⁹<http://www.ach.gov.uz/uz> - Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг расмий сайти маълумотлари.

³⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси». <https://lex.uz/docs/4312785>

билан боғлиқ инфратузилма муаммоларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан етарли эътибор қаратилмаган, айниқса, узоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқ жойлардаги 1 726 умумтаълим мактаби қўлбола (буржуй) печлар ёрдамида иситилмоқда;

– умумтаълим муассасалари бинолари қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича замонавий стандартлар жорий этилмаган;

– 2 907 та умумтаълим мактаби қурилиш-таъмирлаш ишларига муҳтож;

– 11 йиллик таълим тизимига ўтилиши муносабати билан қўшимча ўқувчи ўринларига эҳтиёж мавжуд.

